

157 - وَعَنْ أَبِي رَيْعٍ حَنْظَلَةَ بْنِ الرَّبِيعِ الْأَسَيْدِيِّ الْكَاتِبِ أَحَدِ كُتَّابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَقِينِي أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ: كَيْفَ أَنْتَ يَا حَنْظَلَةُ؟ قُلْتُ: نَافِقٌ حَنْظَلَةُ، قَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ، مَا تَقُولُ؟! قُلْتُ: نَكُونُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكْرِمُنَا بِالْجَنَّةِ وَالنَّارِ كَمَا نَأْيَ عَيْنٍ، فَإِذَا خَرَجْنَا مِنْ عِنْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَافَسْنَا الْأَزْوَاجَ وَالْأَوْلَادَ وَالضَّيِّعَاتِ نَسِينَا كَثِيرًا، قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: فَوَاللَّهِ؛ إِنَّا لَنَلْقَى مِثْلَ هَذَا، فَاذْهَبْ وَأَبُو بَكْرٍ حَتَّى دَخَلْنَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقُلْتُ: نَافِقٌ حَنْظَلَةُ يَا رَسُولَ اللَّهِ!! فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَمَا ذَاكَ؟» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ نَكُونُ عِنْدَكَ تُكْرِمُنَا بِالنَّارِ وَالْجَنَّةِ كَمَا نَأْيَ عَيْنٍ، فَإِذَا خَرَجْنَا مِنْ عِنْدِكَ عَافَسْنَا الْأَزْوَاجَ وَالْأَوْلَادَ وَالضَّيِّعَاتِ نَسِينَا كَثِيرًا. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ؛ إِنْ لَوْ تَدُومُونَ عَلَيَّ مَا تَكُونُونَ عِنْدِي وَفِي الذِّكْرِ لَصَافَحْتُمْ الْمَلَائِكَةَ عَلَى فُرُشِكُمْ وَفِي طُرُقِكُمْ، وَلَكِنْ يَا حَنْظَلَةُ سَاعَةً وَسَاعَةً» ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

[2750].

قَوْلُهُ: (رَبِيعِي) بِكَسْرِ الرَّاءِ، (وَالْأَسَيْدِيِّ) بِضَمِّ الْهَمْزَةِ وَفَتْحِ السِّينِ وَبَعْدَهَا يَاءٌ مَكْسُورَةٌ مُشَدَّدَةٌ،

وَقَوْلُهُ: (عَافَسْنَا) هُوَ بِالْعَيْنِ وَالسِّينِ الْمُهِمَلَتَيْنِ؛ أَي: عَاجَلْنَا وَلَا عَبْنَا، (وَالضِّيَعَاتُ): الْمَعَايِشُ.

157. Абу Рибъий Ҳанзала ибн Робеъ Усайидий розияллоҳу анҳу - у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг котибларидан эди - айтади:

«Абу Бакрни учратиб қолган эдим, «Қалайсан, Ҳанзала?» деди. Мен: «Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. У: «Субҳаналлоҳ! Нималар деяпсан?» деди. Мен: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлганимизда у зот бизга дўзах ва жаннатни эслатадилар, ҳатто уларни кўриб тургандек бўламиз. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидан чиқиб, аёлларимизга, бола-чақамизга, тирикчилигимизга аралашиб қолиб, кўп нарсани эсдан чиқарамиз», дедим. Абу Бакр ҳам: «Аллоҳга қасам, биз ҳам худди шундай ҳолатга тушамиз», деди. Шунда Абу Бакр икковимиз бориб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдик. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. У зот: «**Нима бўлди?**» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузурингизда бўлганимизда бизга дўзах ва жаннатни эслатасиз. Ҳаттоки уларни кўз билан кўргандек бўламиз. Лекин ҳузурингиздан чиқиб, аёлларимизга, бола-чақамизга, тирикчилигимизга аралашиб қолиб, кўп нарсани эсдан чиқарамиз», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар сизлар доим менинг ҳузуримда бўлган ҳолатингизда ва (Аллоҳни) зикр қилишда бардавом бўлсангиз, ётоғингизда ва йўлларида фаришталар сизлар билан қўл бериб кўришган бўлар эди. Лекин, эй Ҳанзала, (инсон қалби) гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлади**» деб, уч марта қайтардилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Аллоҳ таоло инсоннинг чин инсон бўлишини хоҳлайди. Унинг фаришта бўлишини ҳам, ҳайвон бўлишини ҳам хоҳламайди. Аллоҳ инсонга ҳам ҳайвоннинг, ҳам фариштанing хусусиятларидан берган. Жисм, емоқ-ичмоқ, жинсга эҳтиёжлар ҳайвонлик сифатларидир.

Руҳонийлик, ақл, тоат, ибодатга лаёқатлилик фариштанing сифатларидир. Фаришталик сифатлари ҳайвонлик сифатларидан устун бўлиб, шариат йўлида юрган инсон фариштадан устундир.

Ҳайвонлик сифатлари фаришталик сифатларидан устун бўлиб, еб-ичиш, жинс, дунё ташвишидан бошқани билмаган инсон ҳайвондан бадтардир.

Ислом инсоннинг ҳайвонлик даражасига тушишига рози эмас. Шунингдек, уни фаришталик даражасига кўтарилишга мажбур ҳам қилмайди, даъват ҳам этмайди. Ислом инсондан чин инсон бўлишни талаб қилади, холос.

Ҳанзала розияллоҳу анҳу ўзи ким? Ҳанзала - вафот этганида уни фаришталар ғул қилдирган ягона саҳобий эди. Ҳа, улар ўзларида нифоқ бўлишидан шу даражада қаттиқ кўрқиб қўйилган.

Аmmo бизчи?! Бугун бизнинг орамизда мунофиқ ва кофир сўзлари худди бир енгил лақабдек ишлатилмоқда. Одамлар кўрқмасдан бир бирларини куфр ва нифоқда айбламоқда.

Ваҳоланки, Жаннат башорати берилган Абу Бакр ўз ҳолларидан хавотир олаётган пайтларида, биз Абу Бакрнинг олдиларида киммиз?!

Бу ҳадиси шарифдан кўпгина фойдалар олинади:

1. Устозлар етук бўлсалар, кишиларнинг руҳий тарбия бобида юқори даражаларга эришишларига сабаб бўлишлари мумкинлиги.
2. Устоздан узоқлашган шогирдда руҳий поклик чўққисидан пастлашиш бўлиши мумкинлиги.
3. Фарзу вожибларни адо этгандан кейин нафл ибодатлар, эслатиш ва зикр туфайли кишиларнинг руҳий даражалари ҳар хил бўлиши.
4. Руҳий даражани доимий равишда олий даражада ушлаб туриш матлуб эмаслиги.
5. Шариат ҳудудида оила, бола-чақа ва молу мулк ташвишида бўлиш мунофиқлик ёки номарғуб нарса эмаслиги.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

